



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислон Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Раҳматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Хасанбой Рахматиллаев,
Фарғона давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси
доценти, тарих фанлари номзоди
arakhmatillayev@list.ru

ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

For citation: Khasanboy Rakhmatillaev, ON THE PROBLEMS OF STUDYING ETHNIC PROCESSES IN ANCIENT AND EARLY MIDDLE AGES. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.139-143

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485310>

АННОТАЦИЯ

Мақолада тарихий манбалар ва адабиётларга асосланган ҳолда қадимги ва илк ўрта асрлар давридаги этник жараёнлари ҳақида фикр юритилганг. Жумладан, К.Шониёзов, А.Асқаров, В.П.Алексеев, Б.Э.Аманбаева, С.Бобомуллоев, Е.Е.Кузмина, В.М.Массон, Т.Кадилова ва Ҳ.Мамадалиев асарлари мисолида Ўрта Осиё худудидаги этник жараёнларнинг тадқиқи талил этилган. Бу тадқиқотларнинг ижобий жиҳатлари, ютуқ томонлари ҳамда йўл қўйилган камчиликларнинг асосий сабабларини аниқлаш мақоланинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Калит сўзлар: антик давр, этник жараёнлар, тарихшунослик таҳлили, тарихшунослик манбаси, К.Шониёзов, А.Асқаров, В.П.Алексеев, Б.Э.Аманбаева, С.Бобомуллоев, Е.Е.Кузмина, В.М.Массон, Т.Кадилова, Ҳ.Мамадалиев, Ўрта Осиё, Фарғона водийси.

Хасанбой Рахматиллаев,
Ферганский государственный университет
кафедра всемирной истории доцент,
кандидат исторических наук arakhmatillayev@list.ru

К ПРОБЛЕМАМ ИЗУЧЕНИЯ ЭТНИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В ДРЕВНЕМ И РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

АННОТАЦИЯ

На основе исторических источников и литературы в статье рассматриваются этнические процессы в древности и раннем средневековье. На примере работ К. Шониёзова, А. Аскарова, В. П. Алексеева, Б. Э. Аманбаева, С. Бобомуллоева, Э. Э. Кузьминой, В. М. Массона, Т. Кадыровой и Х. Мамадалиева в Центральноазиатском регионе доказано изучение этнических процессов. Важным аспектом статьи является выявление положительных сторон, достижений и основных причин недостатков этих исследований.

Ключевые слова: древность, этнические процессы, историографический анализ, историографический источник, К.Шониозов, А.Аскарлов, В.П.Алексеев, Б.Е.Аманбаева, С.Бобомуллоев, Э.Э.Кузьмина, В.М.Массон, Т.Кадырова, Х.Мамадалиев, Средняя Азия, Ферганская долина.

Khasanboy Rakhmatillaev,
Fergana State University
Department of World History Associate Professor,
candidate of Historical Sciences arakhmatillayev@list.ru

ON THE PROBLEMS OF STUDYING ETHNIC PROCESSES IN ANCIENT AND EARLY MIDDLE AGES

ABSTRACT

Based on historical sources and literature, the article discusses ethnic processes in ancient and early medieval times. For example, the works of K. Shoniyozov, A. Askarov, V. P. Alekseev, B. E. Amanbaeva, S. Bobomulloev, E. E. Kuzmina, V. M. Masson, T. Kadirova and H. Mamadaliev in the Central Asian region the study of ethnic processes is proved. It is an important aspect of the article to identify the positive aspects, achievements, and main reasons for the shortcomings of these studies.

Index Terms: antiquity, ethnic processes, historiographical analysis, historiographical source, K.Shoniyozov, A.Askarlov, V.P.Alekseev, B.E.Amanbaeva, S.Bobomulloev, E.E.Kuzmina, V.M.Masson, T.Kadirova, H.Mamadaliev, Central Asia, Ferghana Valley.

1. Долзарблиги:

Мамлакатимиз тарихчилари юртимизда юз бераётган кенг қамровли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ўзгаришларни таҳлил қилиб қўлга киритилаётган муваффақиятларни ҳам илдизи мамлакатимиз ўтмишига бориб тақалишини тушуниб етмоқдалар. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ” деб айтганида жуда ҳам катта, чуқур мантиқли фикрни назарда тутган эди [1. 4].

Мамлакатимиз тарихчилари олдида Президентимиз томонидан қўйилган энг долзарб ва устувор вазифалардан бири ўзбек халқининг келиб чиқиши ва миллий давлатчилигимиз тарихини холисона тадқиқ этишда этнография – элшунослик фанининг ҳам жуда ҳам катта салмоқли ўринга эгаллигини алоҳида таъкидлаганидир. Бу фан кўп қиррали хусусиятга эга бўлиб, унинг энг асосий тадқиқот объекти ер қуррасидаги барча этнослар – уруғ-қабилалар, элатлар, халқлар ва миллатлар ҳисобланади. Шундай экан, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаган мустақил Ўзбекистоннинг ёш тарихчи талабаларини, жаҳондаги турли этнослар, шу жумладан ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи, хўжалиги, тили урфу-одатини мукаммал биладиган ёшларни тарбиялашимиз керак бўлади. Этнология фани ёш авлодни Ватанга садоқатли, эътиқодли ва етук даражадаги комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим воситалардан бири ҳамдир.

2. Муҳокама:

Шубҳасиз, Марказий Осиёнинг биз яшаётган қисмини қадимги тарихини, айниқса унинг этник тарихини кенг қамровли қилиб ўрганишни тақозо этмоқда. Бу борада хурматли устозимиз К.Шониёзов жуда катта ишларни қилганлар. Домла ўзигача бўлган барча маълумотларни жамлаб ўзбек халқини этник тараққиёти тарихини бир тизимга солиб ўргандилар. Фақат ўрганибгина қолмасдан элшунослар учун Марказий Осиёдек полиэтник таркибга эга бўлган мураккаб худуд аҳолисини ўрганиш бўйича ўзига хос мактаб яратиб кетишди.

Этник жараёнларни ўрганиш жуда долзарб масала бўлишидан ташқари жуда нозик масала ҳам бўлиб, уни ўрганишда олимлардан жуда эҳтиёт бўлишни талаб талаб қилади. Бу масалани етарли далилларга эга бўлмай туриб уни бир томонлама талқин қилиш ҳозирги

пайитда шу худудда яшаётган турли этнос вакиллари маълум маънода миллий ҳиссиётларига тегиб кетиши мумкин.

Марказий Осиё худудларнинг тоғли, дашт ва дарё воҳаларида жуда қадимги даврлардан буён турли халқ ва элатлар яшаб келган. Ёзма манбалар пайдо бўлгунга қадар бўлган даврдаги этник жараёнларни ўрганиш учун ўша жойдаги қадимги аҳолига тегишли бўлган барча археологик ва антропологик материалларни ўрганиш асосида уни қайси даврга, қайси археологик маданиятга, агар имкони бўлса қайси қабилаларга тегишли эканлиги аниқланади. Антропологик тадқиқотлар натижасида топилган одам суякларини антропологик типи, яъни қайси ирқнинг қандай типларига мансублиги аниқланади, аммо унинг тилини қандай бўлганлигини аниқлай олмайди. Ўша давр тилини фақат ёзма маълумотлар пайдо бўлган даврдан бошлаб бирон нарса дейиш мумкин. Шунинг учун қадимги давр этник жараёнларини ўрганишда фақат комплекс ёндашган ҳолда ўрганилган тақдирдагина бирон-бир натижаларга эришиш мумкин бўлади.

3. Тадқиқот натижалари:

Қадимги даврлар учун ёзма манбалар жуда кам ҳолларда сақланган бўлади ёки деярли сақланмаган. Масалан, милоддан илгариги III минг йилликни охири II минг йилликни бошларидан бошлаб Марказий Осиёнинг жанубий худудларида яшаган деҳқон жамоалари жамиятда катта тўнтариш ҳосил қилган қабилалардан ҳисобланишади. Бу қабилалар қолдирган ва ҳақиқий тамаддун даражасига кўтарилган маданиятни археологлар Марказий Осиёнинг жанубий худудлари Туркменистонда Гонурдепа [14], Номозгоҳдепа [12], Алтындепа [13. 172] ва жанубий Ўзбекистонда Сополлитепа [5. 140], Жарқўтон [6. 162] каби ёдгорликларида кузатишган.

Марказий Осиёнинг жанубий худудларида яшаган бу аҳолининг бошқа худудларга ҳам қисман тарқалганликларини ёки таъсирини Самарқанд воҳасининг Панжикент атрофларидаги мазорда [9. 25], Фарғона водийсининг Жалолобод атрофларида сополли маданиятига тегишли Шағым қабристони топилганлиги [4. 256-265] алоҳида таъкидлашимиз керак.

Бундан кўришиб турибдики, Марказий Осиёнинг жанубий қисмларида милоддан илгариги II минг йилликда хўжалик юритиш усули деҳқончилик бўлган ва ўз даврининг тамаддунини ярата олган халқни яшаганини кўраимиз. Бу аҳолининг хўжалиги, касбу-кори, диний тасаввурлари, умумий маданияти бўйича археологик усуллар билан материаллар олинган бўлса ҳам, аммо уларнинг тили тўғрисида олимлар фақат тахмин қилиб уларни ҳинд-европа тиллари гуруҳига кирган бўлиши керак деган хулосага келишган.

Жанубий худудларда бундай ривожланган маданият тараққий этган бир даврда, Марказий Осиёнинг дашт худудларида кундалик хўжалик юритиш услуги чорвачилик, жуда кўп ҳолларда металлсозлик билан ҳам шуғулланган аҳоли яшаган бўлиб, улар умумий ном билан “андроново маданияти” деб аталган [2. 200]. Бу аҳолига мансуб мазорлар Самарқанд воҳасида ҳам (Аскарлов А.А. 1965; ўша муаллиф 1969;), шунингдек, Фарғона водийсида ҳам топиб ўрганилган (Литвинский Б.А. 1962; Иванов Г.П. 1996).

Сополли маданиятининг антропологик материаллари ўрганилганда уларда асосан европоид ирқига оид мингдан ортиқ материаллар бўлишига қарамай, фақат учта жойдан “монголоид ирқи қўшилган” деб тахмин қилиш мумкин бўлган антропологик материаллар олинган. Аммо ҳар учта ҳолатда ҳам олинган материалларнинг ўрни аниқ эмаслиги сабабли, улардан олинадиган хулоса ҳам нотўғри бўлиши мумкин деган маънода бу антропологик материаллар умумий маълумотлар қаторига қўшилмаган [3. 112-113]. Бу нарса албатта илмий хулосани чиқаришда биров бўлса ҳам чалкашликка олиб келади, чунки 3 та бўлса ҳам монголоид ирқли одамни бош суягини бўлиши, ўша даврдан бошлаб уларни шу худудга кириб кела бошлаганликларини кўрсатади.

Андроново маданияти соҳибларидан қолган материаллардан бу аҳолининг кундалик турмуши, касбу-кори, диний тасаввурлари ва маданияти бўйича археологлар анча тўлиқ маълумотларга эга. Аммо бу материаллардан ҳам уларнинг тили қандай бўлганлиги тўғрисидаги тасаввурга эга бўлиш қийин. Шунга қарамай яқин пайитларгача андроново маданияти соҳибларини аксарият тарихчилар эрон тиллари гуруҳига қўшганлар [10; 11].

Тарихчилар ичида биринчи марта ҳурматли домламиз А.Асқаров “андронова маданияти” соҳибларини хитой манбаларига таянган ҳолда “туркий тилли аҳолига мансуб” деб айтди [7; 8].

Марказий Осиёнинг жанубий ҳудудларида яшаган қадимги деҳқон жамоалари билан шимолий-шарқий ҳудудлардаги “дашт аҳолиси”нинг нафақат кундалик турмуш тарзида, балки бутун урфу-одатида, маданиятида жуда катта тафовут бўлган. Агарда моддий маданиятига қараб унинг қайси этносга тегишли эканлигини билиш имкони бўлганда, бундай катта тафовутга эга бўлган икки маданият соҳибларидан бирини “туркийзабон”, иккинчисини “ҳинд-эрон” тиллари гуруҳига қўшган бўлар эдик. Афсуски, археологик материал билан уларни қайси тил гуруҳига кирганлигини аниқлаш имконияти йўқ.

Шуниси аниқки, шимолдаги ва шарқдаги жуда кенг даштлардаги аҳолининг Ҳиндистонга томон силжигани ва у ерда ҳам ўзининг моддий маданиятини қолдирганлигидан ташқари ўша жойдаги аҳоли билан қоришганлиги аниқ. Шунинг учун хиндларнинг “Ригведа” деб аталадиган диний-илоҳий китоби ва бизнинг боболаримиздан қолган “Авесто” номи билан машҳур бўлган диний-фалсафий асарнинг тили, топонимик атамаларнинг ўхшашлиги, жуда кўп ҳудудларнинг номларининг бирлиги ва бошқа кўплаб жойлари бу асарларни қолдирган дашт аҳолисининг келиб чиқиши бир хил бўлганлигини кўрсатади. Шу билан бирга жанубдаги деҳқон жамоалари ривожланган тамаддун, шаҳар маданиятини қолдирганликлари, уларнинг андронова маданияти соҳиблари билан бир-бирига яқинлиги кўриниб турибди.

Андронова маданияти аҳолисининг этник таркиби шу маданият тарқалган ҳудуд доирасидек катта ҳудудда бир хил бўлиши мумкин-ми? Яъни бу ҳудудга Жанубий Европа даштларидан Олтой тоғларигача бўлган ҳудудлар, ва Урал тоғларидан Ҳиндистонгача бўлган ерлар киради. Бу ҳудудларда ҳозирда “андронова маданияти” деб номланса ҳам, аммо унинг ичида ҳам даврий, ҳам маданий жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган археологик комплекслар бўлган [2]. Агарда, ўша ажралаётган археологик комплекслар қайсидир маънода ўнинг қайси этносга тегишли эканини билдирганда эди, биз уни кўркмасдан “у ёки бу тилли бўлган” деб айтган бўлар эдик.

Шу нарса аниқки, агарда ҳақиқатдан ҳам энг дастлабки туркий тилларни кириб келиши бронза давридан бошланиб, шимолий-шарқий томонлардан кириб келганлиги аниқ бўлса, бу жараён бир кун-икки кунлик эмас, балки бир неча юз йиллар мобайнида давом этган жараён ҳисобланган. Биз яшаётган ҳудудда энг қадимги замонлардан бошлаб ўтроқ аҳоли билан дашт ҳудудларидаги аҳоли ўртасида доимий ўзаро мулоқот, ўзаро таъсир доимий бўлганлигини унутмаслигимиз керак.

Манбаларда Фарғона вилоятининг этник таркиби ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Тангаларда битилган ҳукмдорларнинг исмлари орқали биз Фарғонада эронийзабон фарғоналиклар ва туркийлар яшаган, деган хулосага келишимиз мумкин [16: 145].

Араблар истилосидан кейин водий бўйлаб янги дин ислом дини тарқала бошлади. Аммо ислом дини водийда кенг ёйилишига бир аср керак бўлди. Арабларнинг водийга юришидан кейин Хуросон ноиб Наср ибн Саййор араблар ва ислом динининг мавқеини ошириш учун Фарғонага 10 000 арабни кўчирган эди [15: 105]. Кўчиб келган араблар, шубҳасиз, ўзлари учун масжидлар ва бошқа маърифий иншоотлар барпо этишган. Бу ҳам Фарғона водийсида меъморчиликнинг шаклан ўзгаришига катта таъсир кўрсатган.

4. Хулосалар:

Шунинг учун ёзувсиз даврлардаги этногенез ва этник жараёнларни ўрганишда фақатгина тарихдан бизга маълум бўлган, кейинги даврларда бизнинг онгимизга сингиб кетган ва айниқса ҳозирги миллий-давлат чегараланиши ҳудудларидаги миллатлар манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиб эмас, балки масалага комплекс равишда ёндашиб, ёзма материаллар, археологик, этнографик ва антропологик материаллардан фойдаланиб хулоса чиқариш керак бўлади.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: 2008.
2. Аванесова Н.А. Культура пастушеских племен эпохи бронзы Азиатской части СССР. – Т.: Фан, 1991.
3. Алексеев В.П., Аскарлов А.А., Ходжайов Т.К. Историческая антропология Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1990.
4. Аманбаева Б. Э., Рогожинский А.Е., Мэрфи Д. Могильник Шагым - новый памятник эпохи бронзы восточной Ферганы (Кыргызстан)//Археологические исследования в Узбекистане-2004-2005 годы. Вып. 5. – Ташкент, 2006.
5. Аскарлов А.А. Сапаллитепа// - Ташкент, 1973.
6. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии// - Самарканд, 1993.
7. Аскарлов А.А. Арийская проблема: новые подходы и взгляды. Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. – Тошкент: Фан, 2005.
8. Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: 2007.
9. Бобомуллоев С. Земледельческо-скотоводческая культура верховья Зарафшана во II тысячелетии до н.э. Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Душанбе, 1996.
10. Кузмина Е.Е. Древнейшие скотоводы от Урала до Тянь-Шаня. Фрунзе, 1986.
11. Кузмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? Материальная культура племен андроновской общности и происхождение индоиранцев. М., 1994.
12. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. М.,-Л.: 1964.
13. Массон В.М. Алтын-депе. Л.: 1981.
14. Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. Ашхабад.: 2002.
15. Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. – Ташкент: Фан, 1965. – 238 с.
16. Мамадалиев Ҳ. Ахсикент шаҳри IX–XII асрларда Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий марказларидан бири сифатида // “Фарғона водийси тарихи муаммолари” республика илмий анжумани материаллари. – Наманган, 2012. – Б. 98–100.

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000